



2016-й.г. «30» ноя

№ 1978-к

Самарқанд т.-р. Самарқанд

Фуқаро Турдиев Кобилжон Хамдамовичга тегишли уй-жойини турар жой тоифасидан тўлиқ нотурар жой тоифасига айлантириш тўғрисида

Тумандаги “Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли “Гулобод” маҳалласида яшовчи фуқаро Турдиев Кобилжон Хамдамовичнинг уй-жойини турар жой тоифасидан тўлиқ нотурар жой тоифаси савдо дўконларига айлантириш тўғрисида туман ҳокими номига ёзган аризасини кўриб чиқиб, туман архитектура ва қурилиш ҳокимининг 2016 йил 23 майдаги 3-рақамли ҳулосасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

Тумандаги “Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли “Гулобод” маҳалласида жойлашган фуқаро Турдиев Кобилжон Хамдамовичга тегишли уй-жойини, мазкур қарорга илова қилинган кадастр ҳужжатларининг иш режасида белгилаб берилган кўрсатилган бино-иншоотларнинг умумий майдони 558,05 м.кв.-дан иборат бўлган 2 та яшаш хоналари майдони 78,05 м.кв ҳамда ёрдамчи хўжалик бинолари: 1 та қўшма майдони 189,15 м.кв., 2 та омборхона майдони 47,40 м.кв., 1 та ошхона майдони 1,40 м.кв. ва 1 та дарвозахона майдони 290,27 м.кв. бино-иншоотлар турар жой тоифасидан тўлиқ нотурар жой тоифаси савдо дўконларига айлантиришга рухсат берилсин ҳамда умумий 573,0 м.кв. ер майдонидан нотурар жой тоифаси сифатида умумий фойдаланишга рухсат берилсин.

2. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан, туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси (У.Очилов), туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Мардонқулов), туман давлат солиқ инспекцияси (З.Зоҳидов), туман статистика бўлими (Ж.Зарипов) ҳамда тумандаги “Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини раҳбари (В.Давронов)ларга фуқаро Турдиев Кобилжон Хамдамовичга тегишли уй-жойини турар жой тоифасидан тўлиқ нотурар жой тоифаси савдо дўконларига айлантирилиши муносабати билан ўрнатилган тартибда рўйхатга олиб, тегишли ҳужжатларини тасвирлаштириш ва туман ҳокимлигига маълумот тақдим этиш вазифаси топширилсин.

3. Фуқаро Турдиев Кобилжон Хамдамович зиммасига: а) савдо дўконларини ташқи ўрнини архитектура лойихаси ҳамда талабларига риоя қилган ҳолда бинони конструктив қисмини бузмаслик, санитария, гигиена ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш; б) тадбиркорлик фаолияти доирасида иш олиб бориш учун амалдаги қонуналарга асосан, ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтиб, махсус гувоҳномага биноан ўз фаолиятини олиб бориш вазифаси топширилсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари В.Курбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Кадиров